

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 12 » декабрь 20 18 у.

№ 1007

Toshkent sh.

**Фарғона вилоятида қўшимча кичик саноат зоналари  
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, янги рақобатбардошли ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантириш чора-тадбирларини таъминлаш, уларни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилган алоҳида ҳудудларда жойлаштириш, шу асосда ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг бандлик ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Фарғона вилоятида хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилиши доирасида, фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизда тўртта кичик саноат зоналари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳарда, шунингдек, ҳамда Фурқат, Кува, Ўзбекистон, Олтиарик, Ёзёвон ва Қўштепа туманларида фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкалари негизда иловага мувофиқ рўйхат бўйича кичик саноат зоналари (кейинги ўринларда КСЗ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

КСЗ ҳудудидаги давлат кўчмас мулки тадбиркорлик субъектларига бизнес-режаларни бажариш, иш ўринларини яратиш ва сақлаш, барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш шarti билан кейинчалик мулк ҳукуқи берилган ҳолда 10 йил муддатга узок муддатли ижарага берилади;

КСЗ ҳудудидаги давлат кўчмас мулкидан ижара даврида фойдаланиш учун ижарага олинган майдонда амалга оширилаётган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда ортиб борадиган коэффицентни қўллагасдан ижара тўловининг энг кам ставкаси белгиланади;

КСЗ иштирокчиларига инвестиция лойиҳаларини бажариш учун ер участкалари бериш тўғрисида қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Фарғона вилояти эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши томонидан амалга оширилади.

4. Фарғона вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари билан биргаликда, белгиланган тартибда:

Фарғона вилояти иқтисодиётининг эҳтиёжларини, шунингдек, мавжуд минерал-хомашё, қишлоқ хўжалиги ресурсларини ва инфратузилмани инобатга олган ҳолда, КСЗ ҳудудида импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича аниқ таклифларнинг – “йўл хариталари”нинг икки ой муддатда ишлаб чиқилишини;

КСЗ ҳудудидаги тадбиркорлик субъектларига импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турлари тўғрисидаги маълумотларнинг етказилишини;

КСЗ ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, улар билан тизимли ишлар олиб бориш, шунингдек, КСЗ ҳудудида ишлаб чиқаришларни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларининг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини;

КСЗ ҳудудида ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларига қўмаклашишни таъминласин.

5. Мазур қарор 3-бандининг амал қилиши, Вазирлар Маҳкамасининг “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 25 августдаги 672-сон қарорига мувофиқ ташкил қилинган КСЗга татбиқ этилсин.

6. Фарғона вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ билан биргаликда Фарғона вилоятидаги КСЗни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш юзасидан таклифларни уларнинг молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда бир ой муддатда:

фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларининг мазкур қарор иловасига асосан маҳаллий ижро этувчи органларга берилишини;

давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи жамиятлар бошқарув органларининг мажлисларида ушбу қарорнинг иловасига мувофиқ, фойдаланилмаётган объектларни бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги солиқ бўйича қарздорликни бериладиган активларнинг қолдиқ (баланс) қийматига мутаносиб равишда ёки уларнинг устав жамғармаларидаги давлат улушининг ва хўжалик бошқаруви органларининг улушини камайтириш ҳисобидан тегишли маҳаллий ижро этувчи этувчи органларга бериш масаласи белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 25 августдаги 672–сон қарорига 2-илованинг 6 – банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Н.Ш. Шарипов ва Фарғона вилояти ҳоқими Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

*\*) Илова рус тилидаги матнда берилган.*